



TRENDS IN ENHANCING COMBAT AND PHYSICAL PREPAREDNESS OF INTERNAL AFFAIRS OFFICERS IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN: CHALLENGES AND SOLUTIONS

Umurzoqov Baxtiyor Boxodirovich

Senior Lecturer of the Combat Training Cycle at the Advanced
Training Institute of the Ministry of Internal Affairs of the
Republic of Uzbekistan, Lieutenant Colonel
<https://doi.org/10.5281/zenodo.17249212>

ARTICLE INFO

Received: 14th September 2025
Accepted: 29th September 2025
Online: 30th September 2025

KEYWORDS

*Moral and psychological
preparation, combat readiness,
knowledge, proficiency, skills,
physical fitness, service training,
trainee, method.*

ABSTRACT

*This article presents scientifically grounded
proposals and recommendations regarding trends in
enhancing combat and physical preparedness of
personnel in the internal affairs bodies of the
Republic of Uzbekistan, addressing associated
challenges and solutions.*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ ЖАНГОВАР ВА ЖИСМОНИЙ ТАЙЁРГАРЛИГИНИ ОШИРИШ ТЕНДЕНЦИЯСИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАРИ

Умурзоқов Бахтиёр Боходирович

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Малака ошириш институти, Жанговар тайёргарлик
цикли катта ўқитувчиси, подполковник
<https://doi.org/10.5281/zenodo.17249212>

ARTICLE INFO

Received: 14th September 2025
Accepted: 29th September 2025
Online: 30th September 2025

KEYWORDS

*Ахлоқий-психологик
тайёргарлик, жанговар
тайёргарлик, билим,
маҳорат, кўникма, жисмоний
тайёргарлик, хизмат
тайёргарлиги, тингловчи,
метод.*

ABSTRACT

*Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикаси ички
ишлар органлари ходимларининг жанговар ва
жисмоний тайёргарлигини ошириш
тенденцияси: муаммо ва ечимлари тўғрисида
илмий асосланган таклиф ва тавсиялар
берилган.*

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йил 10 январда
Хавфсизлик Кенгашининг кенгайтирилган таркиби иштирокидаги йиғилишда
сўзга чиқиб: “Ҳозирги вақтда минтақамизда ва дунёда ҳукм сураётган, олдиндан
айтиб бўлмайдиган мураккаб шароитда мамлакатимиз хавфсизлиги ва худудий
яхлитлигини таъминлаш, жамиятимизда тинчлик ва ҳамжиҳатликни



мустаҳкамлаш қанчалик катта аҳамиятга эга эканини барчамиз чуқур англаймиз”, – деган эди ¹.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари ходимларининг жанговар ва жисмоний тайёргарлигини ошириш тенденцияси: муаммо ва ечимларига тўхталишдан олдин, қуйидаги тушунчаларга таъриф бериб ўтиш мақсадга мувофиқдир:

Билим - объектив борлиқ ҳақидаги ёки муайян (илмий, маданий, маърифий, маънавий, ҳарбий ва бошқалар) соҳаларга оид илмий, амалий маълумотлар, тушунчалар мажмуи; **Метод** (юн. metodos - билиш ёки тадқиқот йўли, назария, таълимот) - воқеликни амалий ва назарий эгаллаш, ўзлаштириш, ўрганиш, билиш учун йўл йўриқлар, усуллар мажмуаси, фалсафий билимларни яратиш ва асослаш усули². **Маҳорат** - бирор иш, касб учун зарур ёки шу соҳада орттирилган усталик, санъат; моҳирлик³.

Кўникма - инсоннинг илгариги тажрибалари асосида муайян фаолият ёки ҳаракатни амалга ошириш қобилияти. Кўникмалар амалий фаолиятга, билимларни амалда қўллаш олишга оид фаолиятнинг таркибий қисмидир. Кўникма фаолиятнинг мақсади ва шароитларига мутаносиб равишда ҳаракатни муваффақиятли бажариш усулларида бири. У ҳамиша билимларга асосланади, маҳорат (малака)нинг негизи ҳисобланади. Кўникма мазмунан амалий (жисмоний) ва ақлий, шаклан оддий ва мураккаб турларга ажратилади. Амалий кўникмалар меҳнат фаолиятини амалга оширишга, ақлий кўникмалар билим олишга, уни ўзлаштиришга йўналтирилган бўлади. Кўникмаларни билим билан адаштирмаслик лозим, чунки билимлар воқелик тўғри акс эттирилган ҳукм (мулоҳаза)ларда ифодаланади. Кўникмалар эса кўпроқ ақлий ва жисмоний ҳаракатларда мужассамлашади⁴. **Ахлоқий-психологик тайёргарлик** – ходимларнинг ўзаро, оилага, шахсларга ва жамиятга бўлган муносабатларида намоён бўладиган хатти-ҳаракатлари, хулқ-атвори ва одобини тарбиялаш, ахлоқий-руҳий, ҳиссий-иродавий хусусиятларни шакллантириш ҳамда фавқулодда вазиятларда ҳаракатланишда қатъиятлилик, ҳиссий турғунлик, тезкор қарор қабул қилиш, вазиятни бошқариш ва назорат қилишга ўргатиш, шунингдек, ҳуқуқбузарлар олдида руҳий устуворлигини таъминлашда касбий муҳим сифатларини ривожлантиришни ўз ичига олувчи жараён. **Жанговар тайёргарлик** – ходимларнинг хизмат вазифаларини бажариш вақтида, жанговар ҳаракатларда, вазият кескин ўзгарган экстремал шароитларда ҳамда жанговар шайликнинг юқори даражаларида самарали ва ишончли ҳаракат қилиши, шунингдек юклатилган вазифаларни муваффақиятли бажариши учун зарур бўлган ҳарбий маҳорат, тезкор-тактик фикрлаш, шунингдек, юксак ахлоқий-руҳий ва жисмоний ҳолатини шакллантиришга йўналтирилган тайёргарлик ҳисобланади.

¹ Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги мажлисидаги нутқи. <http://press-service.uz/uz/lists/view/1419>.

² <https://qomus.info/encyclopedia/cat-m/method-uz/>

³ <https://uz.wiktionary.org/wiki/mahorat>

⁴ <https://uz.wikipedia.org/wiki/Ko'nikma>



Жисмоний тайёргарлик – ходимларнинг инсонни жисмоний тарбиялаш, жисмоний ривожланиш ва жисмоний тайёргарлик орқали жисмоний ҳамда интеллектуал жиҳатдан камол топтириш, унинг қобилиятини ва ҳаракат фаоллигини такомиллаштириш, соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантириш, ижтимоий мослаштириш мақсадида жамият томонидан яратиладиган ҳамда фойдаланиладиган кадриятлар, нормалар ва билимлар йиғиндисидан иборат бўлган қисми. **Хизмат тайёргарлиги** – ходимларнинг кундалик хизмат ва амалий фаолияти давомида зарурий ўқув фанлари ҳамда соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг талабларини доимий равишда ўзлаштириб бориш, шунингдек ҳуқуқни қўллаш амалиётида ундан тўғри фойдаланишни назарда тутувчи тадбирлар тизими⁵.

Ички ишлар органлари ходимларининг жанговар тайёргарлиги, ҳарбий маҳорати, ватанпарварлик фазилатларини оширишга янада кўпроқ аҳамият беришимиз керак. Бу сўзлар барча ички ишлар органлари ходимларининг ўз мутахассислиги бўйича вазибаларни профессионал даражада бажаришга тайёр бўлишини англатади.

Ички ишлар органлари ходимларининг жанговар тайёргарлигини ривожлантириш ва ислоҳ қилиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Ички ишлар органлари ходимларининг мутахассислари томонидан дунёда ва минтақамизда содир бўлаётган қуролли тўқнашувлар ва ҳарбий-сиёсий вазиятнинг таҳлил ва хулосаларидан келиб чиқиб, ички ишлар органлари ходимларининг тайёргарлик даражасини янада ошириш ва ислоҳ қилиш мақсадида бир қатор бошқарув ҳужжатлар ишлаб чиқилди, яъни: Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида” 2016 йил 16 сентябрдаги ЎРҚ – 407-сон Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 5005-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органлари кадрлари билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташкил этиш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 29 ноябрдаги ПҚ – 3413-сон қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2024 йил 05 октябрдаги “Ички ишлар органлари ходимларининг хизмат, жанговар, жисмоний ва ахлоқий-психологик тайёргарлигини ташкил этиш, малака тоифаси ҳамда рейтинг баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 555-сон буйруғи.

Ўз навбатида, Марказий Осиёдаги сақланиб қолаётган терроризм, экстремизм, наркотраффик ва трансчегаравий жиноятчилик таҳдидлари салбий таъсир кўрсатмоқда. Минтақадаги хавфсизликка Афғонистондаги ноқонуний қуролли тузилмаларнинг фаолияти кучли таҳдид солмоқда.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2024 йил 05 октябрдаги “Ички ишлар органлари ходимларининг хизмат, жанговар, жисмоний ва ахлоқий-психологик тайёргарлигини ташкил этиш, малака тоифаси ҳамда рейтинг баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 555-сон буйруғи.



Мазкур омиллар ҳарбий куч қўллашни тақозо этиши мумкин. Ушбу шароитда давлатимизнинг мудофаа салоҳияти ҳарбий соҳада миллий хавфсизликка таҳдидларни тийиб туриш, зарарсизлантириш ва бартараф этишнинг асосий воситаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг ички ишлар органларида жанговар тайёргарликни такомиллаштириш тизимида мутахассисларга қўйилаётган ҳамда мамлакатимизнинг ҳозирги ривожланиши, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий вазиятда, миграция жараёнлари фаоллашуви, террорчилик ва экстремистик кўринишларга қарши кураш шароитида ҳуқуқни муҳофаза қилишни муваффақиятли амалга ошириш учун зарур бўлган ҳозирги замон талабларини инобатга олган ҳолда кадрларни жанговар тайёрлаш мақсад ва вазифаларини белгилаб бермоқда.

Ички ишлар органларида жанговар тайёргарликнинг самарадорлигини ошириш зарурати жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлашни такомиллаштириш, жиноятчилик ва терроризмга қарши курашни кучайтириш, фуқаролик жамиятининг демократик институтлари, ички ишлар органлари ва жамиятнинг ҳамкорлиги бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимининг ҳозирги сиёсати шаклланаётган шароитда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш вазифалари билан боғлиқдир.

Шу муносабат билан кучга асосланган Вазирлик ва идоралар раҳбарлари барча тоифадаги ҳарбий хизматчиларнинг жисмоний ва руҳий тайёргарлигини ташкил қилиш бўйича мутлақо янги ҳужжатларни ишлаб чиқишлари, бунда ҳарбий-амалий йўналишга алоҳида урғу беришлари талаб этилади. Ички ишлар органлари ходимлари мустаҳкам соғлиққа эга бўлишлари, оғир жисмоний ва руҳий зўриқишга чидамли бўлишлари лозим.

Бугунги кунда ички ишлар органлари ходимлари томонидан бириктирилган қуролдан моҳирона фойдалана олиши катта аҳамиятга эга деб ҳисоблаймиз.

Қуролни ишлата олиш – кенг қамровли тушунча бўлиб, қурол ишлатишнинг ҳуқуқий асосларини, қуролнинг моддий қисмларини, у билан муомала қилишдаги хавфсизлик чораларини, мерганлик билан ўқ отишнинг назарий асосларини, ўқ отиш усул ва қоидаларини билишлари, шунингдек қурол билан моҳирона муомала қилиш ҳамда мураккаб тезкор вазият шароитида нишонни уриш қобилиятига эга бўлиши талаб этилади.

Ўқ отиш тайёргарлиги тизимидаги норматив талаблар муҳим, чунки уларда ички ишлар органлари ходимларининг ўқ отиш тайёргарлигига қўйиладиган талаб даражаси аниқ шаклда берилган.

Ички ишлар органлари ходимларининг қонунда белгиланган тартибда табель қуролини қўллашлари одатда эмоционал ҳолатларни юзага келтирадиган низоли вазиятларнинг мураккаб психологик шароитларида, яъни ақлий фаолиятни кескин торайтирадиган ҳамда инсон иродасини шикастлайдиган ҳолатда юз беради, бу эса қуролни қўллаш натижаларига жиддий таъсир кўрсатадилар.



Қурол ишлатишнинг мураккаб шароитлари ички ишлар органлари ходимларидан мустақкам ўқув ва кўникмаларни, шунингдек экстремал вазиятларда онг ва руҳиятнинг (психиканинг) барқарор, ишончли ва адекват фаолият кўрсатишини таъминлайдиган хислатлар мавжуд бўлишини талаб этади. Экстремал вазиятларда табель қуролини ишлатишга тайёргарлик ҳолати ички ишлар органлари ходимларининг касбий фаолиятидаги мажбурий таркибий қисм ҳисобланади, у бошқа предмет-амалий фаолият билан бир вақтда ИИВ тизимида ишловчи бўлғуси ички ишлар органлари ходимларининг шахсини шакллантириш учун зарурдир.

Жанговар тайёргарлик жараёнида ички ишлар органлари ходимлари қуйидагиларни **билиши керак**: минтақадаги ижтимоий-сиёсий вазиятнинг ўзгаришини тўғри таҳлил ва баҳолай олишни, ички ишлар органлари қуролланишида мавжуд бўлган барча ўқотар қуролларини турлари, уларнинг техник-тактик хусусиятларини, қўлланиш мақсади ва улардан отиш усулларини;

бажара олиши керак: ички ишлар органлари ходимлари барча турдаги ўқотар қуролларидан моҳирона фойдаланишни ва ҳар хил шароитларида отиш тактикаси ва техникасини ⁶.

Жанговар тайёргарлик жараёнини янада такомиллаштириш мақсадида ИИВ Малака ошириш институти таълим жараёнини амалиётга йўналтириш, назария ва амалиётнинг уйғунлигини таъминлаш, таълим сифатини юқори замонавий босқичга кўтариш каби бир қатор вазифаларни амалга оширишда ўқув жараёнига ахборот-коммуникация ҳамда интерактив технологияларни кенг жорий этиш, таълим беришнинг Smart технологияларига тадрижий ўтиш, ўқитишнинг инновацион дастурларини жорий қилиш, замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш имкониятини берувчи янги инновацион ўқитиш фонди Ситуацион полигон ҳамда Симуляция ва модуляция марказининг қурилиши ва унинг тутган ўрни беқиёс ва муҳим аҳамият касб этади.

ИИВ Малака ошириш институти моддий-техника базасида янги инновацион ўқитиш фонди Ситуацион полигон ҳамда Симуляция ва модуляция марказини ташкил этиш учун тингловчиларни ўқитишда таълимни амалиётга йўналтириш, касбий вазифаларини бажаришга киришиш, бевосита ахборот-коммуникация ва интерактив технологияларини ҳамда ўқитишнинг инновацион дастурий комплексларни, шунингдек амалиётда фойдаланиладиган дастурий таъминотлар, электрон ахборот базаларини ҳар томонлама жорий этилишига ва касбий тайёргарлик бўйича ўқитишнинг ўзига хос спецификаси ва талабларини инобатга олган ҳолда ситуацион полигон ҳамда симуляция ва модуляция марказининг инфраструктурасига “VirTra”, “ИСТ–ВИТЯЗЬ”, ОТИШ КОМПЛЕКСИ “ПКСТ-ЗМП”, ЛАЗЕРЛИ КОМПЛЕКС “ДКСТ-440-3” каби стационар, интерактив, лазерли отиш комплексларини татбиқ этиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман ⁷.

⁶ Ҳарбий хизмат тайёргарлиги. Т. 1. Ўқ отиш: Дарслик / А.А. Кочкаров, У.Ш. Юлдашев, М.М. Алимов ва бошқ.; Масъул муҳаррир полковник И.Х. Махмудов. – Т., 2020. – 488 б.

⁷ Инфраструктура центра симуляции и моделирования «VirTra», «ИСТ– ВИТЯЗь». <http://www.virtra.com>; www.tirist.ru. (мурожаат санаси 04.10.2022 й.).



Ушбу тренажёрларда тингловчиларга ИИВнинг 2022 йил 22 сентябрдаги 383-сон буйруғи асосида ўқ отиш тайёргарлиги бўйича пистолет ва автоматдан махсус машқларни бажариши имкони мавжуд бўлади⁸.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, шахсий таркибни маънавий, руҳан тайёр бўлиши билан бирга жанговар тайёргарлигини талаб даражасида оширишимиз учун биз албатта замонавий педагогик технологиялар ҳамда янги авлод техник воситаларидан фойдаланишимиз зарурати туғилади.

References:

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги мажлисидаги нутқи.
2. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2024 йил 05 октябрдаги 555-сон “Ички ишлар органлари ходимларининг хизмат, жанговар, жисмоний ва ахлоқий-психологик тайёргарлигини ташкил этиш, малака тоифаси ҳамда рейтинг баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги буйруғи. – Т., 2022.
3. Ҳарбий хизмат тайёргарлиги. Т.1. Ўқ отиш: Дарслик/ А.А. Кочкаров, У.Ш. Юлдашев, М.М. Алимов ва бошқ.; Масъул муҳаррир полковник И.Х. Махмудов. – Т., 2020. – 488 б
4. <http://press-service.uz/uz/lists/view/1419>.
5. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-m/metod-uz/>.
6. <https://uz.wiktionary.org/wiki/mahorat>.
7. <https://uz.wikipedia.org/wiki/Ko'nikma>.
8. <http://www.virtra.com>

⁸ Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2024 йил 05 октябрдаги “Ички ишлар органлари ходимларининг хизмат, жанговар, жисмоний ва ахлоқий-психологик тайёргарлигини ташкил этиш, малака тоифаси ҳамда рейтинг баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 555-сон буйруғи. – Т., 2024.